14 августа 2015

Буйруқ № 324. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2008 йил 4 июлдаги 238-сонли буйруғига ўзгартириш киритиш тўғрисида

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ**

**2015 йил "14" август № 324**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2008 йил 4 июлдаги 238-сонли буйруғига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари ходимлари томонидан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда тиббий статистика тизими фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг
2008 йил 4 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришни ҳамда тиббий статистика тизими фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги
238-сонли буйруғининг 5.-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

" Ҳар бир ходим (врач, ўрта тиббий ходим, провизор, фармацевт) эгаллаб турган лавозими, мутахассислиги, муассасанинг соҳасидан (ихтисоси) қатъий назар, қоида тариқасида ҳар ойда 4 соатгача аҳоли ўртасида тиббий-гигиеник, экологик билимлар ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асослари бўйича тарғибот тадбирларини ўтказиш чораларини кўрсин".

2. Саломатлик ва тиббий статистика институти директори (З.Муталова) соҳада тиббий-гигиеник, экологик билимлар ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асослари бўйича тарғибот ишларини янада кучайтириш чораларини кўрсин.

3. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. Худаяров зиммасига юклансин.

**Вазир А. Алимов**

Ҳужжат тури: Буйруқ
Ҳужжат рақами: № 324
Қабул қилиниш санаси: 14.08.2015